

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”**  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари**  
*(2015 йил 26октябрь - 2 ноябрь)*

**№8**

**Тошкент – 2015**

## **ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 ноябрь куни Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Жон Керрини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан самимий қутлади ва унинг Ўзбекистонга илк ташрифи ўзаро ҳамкорликка доир кенг кўламли масалалар ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий алоқалар изчил ривожланиб, ўзаро савдо ҳажми барқарор ўсмоқда. АҚШнинг “General Motors” корпорациясининг Ўзбекистондаги самарали фаолияти бу соҳадаги муваффақиятли ҳамкорликнинг ёрқин мисолларидан биридир. Стратегик шериклик доирасида Андижон, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида юқори технологияли учта йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда АҚШнинг дунёга машҳур “Boeing”, “Lockheed Martin”, “Honeywell” ва бошқа компаниялари самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Учрашувда минтақавий долзарб муаммолар юзасидан ҳам атрафлича фикр алмашилди. Афғонистондаги вазият, хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

АҚШ давлат котиби самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик изҳор этиб, Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти икки мамлакат манфаатларига асосланган муносабатларни изчил ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

## **БУЮК БРИТАНИЯ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИ ЭЛЧИ ТАЙИНЛАДИ**

2015 йилнинг 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Кристофер Аллани қабул қилди. Элчи ишонч ёрликлари нусхасини топширди. Сухбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Мулоқот давомида кўп қиррали Ўзбекистон-Британия ҳамкорлиги ижобий суръатларда мустаҳкамланаётганлиги мамнуният билан қайд этилди ҳамда савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканлиги таъкидланди. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг ҳамраиси Барбара Хей бошчилигидаги Буюк Британия бизнес соҳа вакилларида иборат нуфузли

делегациянинг 5-6 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро инвестиция форумида иштирок этаётгани ҳам буни яққол тасдиғи ҳисобланади.

Учрашувда айрим халқаро ва минтақавий масалалар ҳам муҳокама қилинди.

## **ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ**

2015 йилнинг 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Умумхитой дўстлик ҳамжамияти ассоциацияси бош қотиби ўринбосари Чэнь Шаосин раҳбарлигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда ўзбек-хитой муносабатларини мустаҳкамлаш, жумладан нодавлат ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, халқ дипломатияси йўналишида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

## **ЖОН КЕРРИ САМАРҚАНДА ЎТАДИГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТАДИ**

АҚШ Давлат қотиби Жон Керри, яқин кунларда Самарқандда бўлиб ўтиши режалаштирилган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирларининг ҳамкорликдаги йиғилишида иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюради. АҚШ ташқи ишлар маҳкамасининг хабарига кўра, АҚШнинг Марказий Осиё билан муносабатларидаги ушбу учрашувлар янги “С5+1” форматда ташкил этилмоқда. Маълумки, мазкур янги “С5+1” мулоқоти БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сессияси доирасида Нью-Йоркда 26 сентябрда Жон Керри ва Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари учрашувида илгари сурилган эди. Жон Керри Давлат қотиби лавозимидаги фаолияти давомида биринчи марта Марказий Осиё давлатларида бўлади. Бундан аввал собиқ Давлат қотиби Хиллари Клинтон Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Керрининг сафари 30 октябрдан 3 ноябргача мўлжалланган бўлиб, унинг доирасида Бишкек, Самарқанд, Остона, Душанбе ва Ашхобод шаҳарларида 5 давлатнинг ҳукумат вакиллари билан учрашувлар ўтказилади.

## **ЎЗБЕКИСТОН АФРИКАДАГИ ДАВЛАТЛАРГА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛМОҚДА**

Ўзбекистон Африка ва Жанубий Американинг илгари савдо муносабатлари ўрнатилмаган 13 давлатига енгил автомобилларни экспорт қилмоқда. Жорий йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 830 корхона экспорт фаолиятига жалб қилинди. Ўтган давр мобайнида автобус, оқ цемент,

буюк ва газсимон аргон, травертин ва сопол кошинлар, маиший газ, электр ва комбинацияланган плиталар, автомобиль ўриндиқлари, автомобилларнинг штампаланган деталлари, пайвандлаш ускуналари, янги турдаги консерваланган маҳсулотлар ва бошқа турдаги қиймати 102 миллион доллардан зиёд 199 турдаги янги товарлар экспортга етказиб берилди.

Африка ва Жанубий Американинг илгари савдо муносабатлари ўрнатилмаган 13 давлатига (Ангола, Уганда, Бенин, Чад, Либерия, Камерун, Маврикия, Мадагаскар, Сомали, Марказий Африка Республикаси, Доминикан Республикаси) минерал ўғит, каолин, енгил автомобиллар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси томонидан йил бошидан буён ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш бўйича 1133 корхонага маслаҳат хизматлари кўрсатилди, 29 халқаро шартнома тузилди.

### **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА 2015 ЙИЛДА 159 КМ ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҚЛАРИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ**

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2015 йилнинг ўтган 9 ойида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунлари ва галдаги вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Ўзбекистон Президенти томонидан жорий йил учун белгилаб берилган иқтисодий дастурлар ижросини сўзсиз таъминлаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини захирага ғамлаш, экспорт режаларини бажариш ва кейинги йилда экспорт ҳажмини янада ошириш масалалари муҳокама этилди. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифалар асосида жорий йилнинг 9 ойида салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, асосий ялпи ҳудудий маҳсулот 3 триллион 45 миллиард сўм ёки 108,7 фоизни ташкил этди. Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 66,7, хизматлар улуши 46,7 фоизга тенг бўлди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 112 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 118,3, қурилиш ишлари ҳажми 109,5 фоизга етди. Жорий йил учун белгиланган Инвестиция дастурига мувофиқ, барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 508 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Жумладан, 10 даволаш-профилактика муассасасида 27 миллиард сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилиб, беморлар учун шароитлар янада яхшиланди. 22 умумтаълим мактаби ҳамда 10 касб-хунар коллежида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 60 сув таъминоти иншоотида 19 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, 159 километр ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди. 2015-2019 йилларга мўлжалланган муҳандислик-коммуникация дастури асосида А-380 халқаро миллий автомагистрали қурилиши бўйича 65 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилиб, 16 километр йўл фойдаланишга топширилди. Маҳаллий аҳамиятга молик ва хўжаликлараро йўллари таъмирлашга 12 миллиард сўм сарфланди, 30

километрга яқин йўл ишга туширилди. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижроси доирасида саноат, сервис ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 115 миллиард сўмлик 1 минг 641 лойиҳа амалга оширилди. Натижада 7 минг 354 янги иш ўрни яратилди. Ушбу дастурга кўра, йирик лойиҳалардан бири – Қораўзак туманидаги қиймати 17 миллиард сўм ва 19 миллион долларга тенг бўлган цемент ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Йилига 200 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонада 200 га яқин янги иш ўрни яратилади.

### **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ ҚУРИЛДИ**

Қорақалпоғистонда 19 миллион доллар эвазига (17 миллиард сўм) навбатдаги йирик лойиҳа амалга оширилди. Республиканинг Қораўзак тумани ҳудудида янги цемент заводи қурилди. Ушбу лойиҳа Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида амалга оширилди. Йилига 200 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонада 200 га яқин янги иш ўрни яратилади. 2015 йилнинг феврилида «Қорақалпоқцемент» МЧЖ цемент заводини қуриш лойиҳаси 2015 йилги қурилиши пудрат ишлари дастурига киритилгани, ушбу лойиҳа 2015–2016 йилларда амалга оширилиши, заводнинг қуввати йилига 400 минг тонна цемент ишлаб чиқаришга етказилиши ҳақида хабар берилганди. 2015 йилда лойиҳа доирасида 3,8 миллиард сўм ўзлаштириш режалаштирилган. Бундан 0,3 миллиард сўм қурилиш-монтаж ишларига ишлатилади.

### **ХОРИЖДАН ҚАЙТГАН МЕХНАТ МИГРАНТЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ**

2015 йил 28 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги “Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2015 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва иш билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар” мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Ҳисобот даврида республика бўйича жами 748 минг иш ўринлари ташкил этилиб, дастур 101 фоизга кўп бажарилди. Бунда, мақсадли дастурларга мувофиқ 163 мингта, жумладан саноатда – 60 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервисда – 52 мингта, қишлоқ хўжалигида – 35 мингта иш жойлари ташкил этилди. Дастур ижросида асосий эътибор — кичик бизнесга қаратилган бўлиб, кичик корхона ва микрофирмалар, яқка тадбиркорлик, уй меҳнати, деҳқон ва фермер хўжаликларида жами 585 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланди (бу яратилган иш ўринларининг 78 фоизига тенг бўлди). Жорий йилнинг ўтган даврида 900 дан ортиқ бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди ва уларда 44 мингта корхона ва ташкилотлар иштирок этиб, 50 минг кишига ишга жойлашиш бўйича йўлланмалар берилди. Шунингдек, ҳудудий меҳнат органларининг инспекторлари маҳаллаларда юриб, ишсиз

бўлган ва иш қидираётган 230 мингга яқин фуқароларни ишга жойлашишига кўмаклашилди, улардан 110 минг нафари аёллар, 168 минг нафари ёшлар, 67 минг нафари ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолини ташкил этади. Уларнинг 143 минг нафари қишлоқ худудларига тўғри келади. Четдан қайтган меҳнат мигрантларидан 186 минг нафарининг бандлиги таъминланган.

### **РАШИД ҚУРБОНОВ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА КУМУШ МЕДАЛ ОЛДИ**

Россиянинг Ботлих шаҳрида эркин кураш бўйича анъанавий халқаро турнир ўтказилди. Мазкур мусобақада Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Тожикистон, Польша, Руминия ва Болгария давлатлари вакиллари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Мусобақалар якунларига кўра ўзбекистонлик Рашид Қурбонов (-74 кг) финалга қадар кечган беллашувларни ғалаба билан якунлаб, кумуш медал совриндори бўлди.

### **БОРТНИКОВ: МДХ ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШИ ЛОЗИМ**

Россия федерал хавфсизлик хизмати директори Александр Бортников Ўзбекистон террорчиликка қарши курашда ижобий тажриба тўплай олганини ҳамда МДХнинг бошқа давлатлари бу тажрибадан унумли фойдаланишлари мумкинлигини таъкидлади. Бу ҳақда у МДХ давлатлари хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари кенгашининг 39-йиғилишидаги чиқишида айтиб ўтди. Унинг сўзларига қараганда, террорчилик идеологиялари тарафдорларининг МДХ ичидаги ҳаракатларини тинимсиз кузатиб бориш ва бу борада ахборот алмашишни йўлга қўйиш зарур.

### **СИЁСАТШУНОС: АҚШ МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ЙЎҚОТИШДАН ҚЎРҚАДИ**

АҚШ Давлат департаменти тарқатган ахборотга кўра, 29 октябрь куни давлат котиби Жон Керри режадан ташқари Марказий Осиё турнесини ўтказиб, минтақа давлатлари ташқи ишлар вазирлари билан С5+1 форматида учрашувлар ўтказди. МДХ давлатлари институти директори ўринбосари Владимир Жарихин бундай кутилмаган қарор АҚШ раҳбариятининг Марказий Осиёга бўлган таъсирини сақлаб қолишга жиддий қараётганлигини кўрсатишини таъкидлади. “Минтақада АҚШнинг позициялари кучсизланаётганидан далолат берувчи маълум жараёнлар бормокда,- деб ҳисоблайди эксперт.— Улар минтақадаги таъсирини йўқотиб қўйишдан қўрқади. Масалан, Қирғизистон барибир АҚШнинг Манасдаги базасини йўқ қилишга эришди”. Манасдаги АҚШ авиабазасида мамлакатдан 2014 йили чиқариб юборилган эди. Америкаликлар учун бу база логистик аҳамият касб этарди. Бундан ташқари, минтақада бўлишнинг ўзиёқ АҚШнинг узоқ истиқболли режалари таркибига киради. Бундан ташқари, Керрининг кутилмаган ташрифига асосий сабаблардан бири АҚШ Афғонистондаги кучларини сақлаб қолишга интилаётганлигидир, деб ҳисоблайди россиялик эксперт.

## **СУРИЯДАГИ ГУМАНИТАР ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР**

Суриядаги гуманитар ёрдамга муҳтож кишилар сони 1,2 млн. нафарга ошди ва умумий ҳисобда 13,5 миллион га етди. «Суриядаги вазият йил бошига қараганда ёмонлашди». Мамлакатда 6,5 млн нафар кўчирилган шахс бор. 4,2 млн нафар киши эса хавфсиз бошпана излаб, ўз уйларини ташлаб кетган қочкинлардир. БМТ бош котиби ўринбосарининг таъкидлашича, Сурия шимоли-ғарбидаги 120 минг киши “ҳаводан бўлаётган авиазарбалар ва ердаги операциялар туфайли” ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлиб туришибди.

## **АҚШ РОССИЯГА СУРИЯДАГИ КОАЛИЦИЯ ҲАРАКАТЛАРИГА ХАЛАҚИТ БЕРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ**

АҚШ ҳарбийлари Россияга Суриядаги халқаро коалиция ҳаракатларига халақит беришига йўл қўймайди, деб айтди мудофаа вазири Эштон Картер. “Биз Россия билан ҳамкорлик қилмаймиз ва уни коалиция йўналишига таъсир ўтказишига йўл қўймаймиз”, деб айтди сенатда бўлиб ўтган йиғилишда Эштон Картер. Аввалроқ Россия президенти Владимир Путин Нью-Йоркда БМТ Бош ассамблеясининг 70-сессиясидаги нутқида жаҳон ҳамжамиятини ислом давлатлари иштирокидаги кенг халқаро аксилтеррорчилик коалициясини яратишга чақирган эди.

## **БУЮК БРИТАНИЯ АФҒОНИСТОНДА 450 НАФАР ҲАРБИЙИНИ САҚЛАБ ҚОЛАДИ**

Буюк Британия мудофаа вазири Майкл Фэллоннинг маълум қилишича, Британия кўшинлари Афғонистонда 2016 йилга қадар қолади. Уларнинг сони 450 нафар ҳарбийни ташкил этади. Британ ҳарбийлари афғон армиясига ҳарбий машғулотлар ўқитишда ёрдам беради. Мудофаа вазирининг қўшимча қилишича, бу қарор Британиянинг Афғонистонда тинчликни сақлаш мажбуриятини кўриб чиққач қабул қилинган. Аввалроқ АҚШ президенти Барак Обама Афғонистонда 2016 йил охирига қадар 9,8 минг нафар АҚШ аскари қолиши ҳақда маълум қилган эди.

## **РОССИЯ ҲАВО-КОСМИК КУЧЛАРИ ХОМСДАГИ “ЖАБҲАТ АН-НУСРА”НИНГ ҚЎМОНДОНЛИК ПУНКТИНИ ЙЎҚ ҚИЛДИ**

Россия ҳаво-космик кучларига қарашли бўлган Су-34 бомбардимончиси Хомс вилоятидаги “Жабҳат ан-Нусра” террорчилик гуруҳининг қўмондонлик пунктини яқсон этди. «Хомс вилоятининг Тель-Биса аҳоли яшаш пунктида “Жабҳат ан-Нусра” жангариларининг қўмондонлик пункти йўқ қилинди». Жангарилар икки қаватли бинони эгаллаб олишган. Бинонинг ёнида уларга тегишли бўлган йирик калебрли пулемёт ва миномётлар билан жиҳозланган тўртта жиби бўлган.

**«Учувчисиз бошқариладиган учиш апаратынинг разведкасига асосланиб Су-34 бомбардимончиси маррага аниқ зарба йўллади, жангариларнинг барча автотранспорт воситалари йўқ қилинди».**

### **АФҒОНИСТОН АРМИЯСИ 200 НАФАР ЖАНГАРИНИ ЙЎҚ ҚИЛДИ**

**Афғонистон мудофаа вазирлигининг маълум қилишича, Афғонистон ҳарбий кучлари охириги сутка мобайнида 197 нафар жангарини йўқ қилди, улар ичида гуруҳ кўмондони ҳам бор. «Афғонистоннинг турли худудларида олиб борилган ҳарбий операциялар давомида 197 нафар жангари йўқ қилинди, 70 нафари яраланди, 16 нафари асирга олинди». Армия томонидан 19 ҳарбий ҳалок бўлган.**

**Операциялар Нангархар, Ғазна, Ҳирот, Бадгис, Бадахшон, Фарёб, Жаузжон ва Гильмонд вилоятларида ҳамда Қобулнинг Қундуз ва Лашкаргоҳи туманларида ўтказилган.**

### **АҚШНИНГ ОҒИР ҲАРБИЙ ТЕХНИКАЛАРИ ЭСТОНИЯДА**

**Эстонияга АҚШнинг оғир ҳарбий техникалари эшелони келтирилди. Ҳарбий техникалар белгиланган нуқта Тапа шаҳрига 26 октябрь куни кириб боришади. Шундан сўнг, Тапа шаҳрига иккита сапёрлар танки ва ёрдамчи техникани олиб келишга тўғри келади. Эстонияга 40 дона оғир ҳарбий техника, жумладан, тўртта M1A2 Abrams танки, 10 та Bradley пиёда аскарлар машинаси ва учта Paladin артеллирияга қарши қурилма олиб кириш режалаштирилган. Техникалар АҚШнинг учинчи пиёдалар дивизиясининг Эстонияда ўтказадиган ҳарбий машғулотлари учун зарур бўлади.**

### **РОССИЯ АВИАЦИЯСИ АМАЛИЁТЛАРИ САМАРАЛИ БЎЛДИ**

**Сурия президенти Башар Асад Россия парламенти вакилларида иборат делегация билан учрашуви вақтида Россия Ҳарбий-коинот кучлари самолётларининг самарали фаолияти тўғрисида гапириб ўтган. Асад Россия авиациясининг терроризмга қарши курашдаги хизматларини эътироф этган ва Сурия халқи ҳам, америкаликлар ҳам Россия самолётларининг бу қадар самарали ишлашини кутмаганди. Бундан олдинроқ, Башар Асад Сурия Россиянинг Украина муаммоси бўйича тутган ўрнини тўла қўллаб-қувватлашини билдириб ўтганди.**

### **ИСРОИЛ ИШИДНИ ТЕРРОРЧИЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РЎЙХАТИГА КИРИТДИ**

**Исроил ҳукумати ИШИД, “Жибҳад ан-Нусра” ва “Абдулла Аъзам бригадаси” террорчилик гуруҳларини террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритишга қарор қилди. Исроил ҳукумати ушбу террорчилик гуруҳларини рўйхатга киритишда Исроил умумий хавфсизлик хизмати тавсияларига амал қилди. Исроил ҳудудида ушбу гуруҳларнинг фаолияти мамлакат Мудофаа**



вазирлигининг 2014 йил 4 сентябрдаги қарори билан тақиқланган, бироқ уларнинг террорчилик ташкилотлари рўйхатида йўқлиги террорчилар тарафдорларини жиноий жавобгарликка тортишга имкон бермаган эди.

## **КОАЛИЦИЯ ИШИД ПОЗИЦИЯЛАРИГА 22 ТА АВИАЗАРБА БЕРДИ**

АҚШ бошчилигидаги халқаро коалиция Сурия ва Ироқда ИШИД позицияларига 22 та авиазарба берди. Бу ҳақда ҳарбийлар хабар берган. Қайд этилишича, авиазарбаларнинг катта қисми Ироқнинг Қисик, Рамади ва Синжар шаҳарлари яқинидаги ҳудудларга тўғри келган.

## **ИШИД ЖАНГАРИЛАРИ ЯМАНДАГИ УРУШГА ЖЎНАМОҚДА**

Сурия ҳукуматининг фикрича, Саудия Арабистони ва у бошчилик қилаётган ҳусийчиларга қарши коалиция ИШИД жангариларини Ямандаги урушга жўнатиш учун Суриядан олиб чиқиб кетмоқда. “Разведка маълумотларига кўра, 26 октябрда Адан аэропортига Туркиядан 4та самолёт келди. Улардан иккитаси турк авиалинияларига, биттаси Қатар авиалинияларига ва яна биттаси БАА авиалинияларига тегишли бўлган. Бу самолётларнинг бортларида ИШИДнинг 500 нафардан кўпроқ жангариси бўлган, улар Суриядан Россия авиазарбаларидан қутқариш мақсадида олиб чиқилган”, деб айтди Сурия Қуролли кучлари вакили Али Майхуб. Унинг таъкидлашича, операцияни Саудия Арабистони бошчилигидаги коалиция зобитлари амалга оширган. Зобитлар жангариларни Яман ва Саудия Арабистонининг турли вилоятларига олиб кетишган. “Жангарилар охириги кунларда ҳусийчилар билан жангларда катта талофат кўрган коалициянинг қуруқликдаги операцияларида иштирок этишлари керак. Мавжуд маълумотларга кўра, ИШИД жангариларини Суриядан олиб чиқиб кетиш бўйича операциялар яқин орада давом эттирилади”, деб айтди Майхуб.

## **ИШИДНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТЕРАКТЛАР УЮШТИРИШГА САРФЛАГАН ПУЛЛАРИ**

Қирғизистон миллий хавфсизлик давлат қўмитаси “Альфа” махсус бўлинмаси фахрийлари бирлашмаси раиси Артур Медетбековнинг сўзларига қараганда, ИШИД Марказий Осиёда терактлар уюштириш, бу ерда одамлар ёллаш ва бошқа ишларга 70 миллион доллар йўналтирганини баён қилди. “Бир неча йил давомида ИШИД Кавказда ва Марказий Осиёда ўз вакиллари етиштирди”,- деди Медетбеков. Илгарироқ Россия президенти Владимир Путин ИШИД таркибида МДХ давлатларидан чиққан 5-7 минг киши жанг қилаётганини таъкидлаган эди. Шу муносабат билан у МДХ чегараларидан бошлаб ИШИДга қаршилик кўрсатишни бошлаш лозимлигини айтиб ўтди.

## УКРАИНА РОССИЯ АВИАКОМПАНИЯЛАРИГА 5 ТА ЙЎНАЛИШГА РУХСАТ БЕРДИ

Украина Россия авиакомпаниялари учун ўз худудидан 5 та йўналиш бўйича транзит парвозларини амалга ошириш имконини сақлаб қолди. Тегишли мурожаатдан кейин Россиянинг “Аэрофлот” ва “Трансаэро” авиакомпанияларига Украина орқали Болгария, Туркия, Миср, Греция ва Исроилга парвозлар амалга оширишга рухсат берилди. Бироқ ҳарбий юкларнинг транзити тақиқлаб қўйилди.

Эслатиб ўтамиз, Украина ва Россия ўртасидаги авиаалоқа икки томонлама санкциялар киритилиши оқибатида 25 октябрдан тўхтатиб қўйилди.

## КАСПИЙ ДЕНГИЗИДА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ КУЧЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Эрон ҳарбий-денгиз кучлари Каспий денгизиде Каспийолди мамлакатларидан бошқа мамлакатларнинг ҳарбий-денгиз кучларини киришига йўл қўймайди. «Эрон Ислон республикаси Каспий денгизидан унга туташ мамлакатлар қатори фойдаланиш ҳуқуқига эга ва бошқа бир мамлакатнинг унга ҳарбий кучларини олиб киришига индамай қараб турмайди», — деди контр-адмирал. Ҳабибуллоҳ Сайёрийнинг таъкидлашича, Каспий денгизи ҳар қандай қарама-қаршиликдан, беқарорликдан, гиёҳванд моддалар айланувидан, контрабанда товарлари олиб ўтилувидан ҳоли ва тинчлик ҳамда дўстлик денгизи бўлиши керак.

## РОССИЯДА 1 НОЯБРЬ МОТАМ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Россия Федерацияси президенти Владимир Путин 1 ноябрни Россия самолётининг Мисрдаги ҳалокати муносабати билан мотам куни деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорни имзолади. Бу ҳақда Кремл матбуот хизмати маълум қилган. “2015 йилнинг 31 октябрида Миср Араб Республикасида юз берган авиация ҳалокати натижасида кўплаб инсонлар қурбон бўлди. Ҳалок бўлганларнинг оилалари ва яқинларига ҳамдардлигимни билдираман. 2015 йил 1 ноябрни Россия Федерациясида мотам куни деб эълон қиламан”, — дейилади ҳужжатда. РФ ҳукумати ҳалок бўлганлар оилаларига зарур ёрдам кўрсатиш бўйича тегишли чораларни кўрмоқда. Росавиациянинг маълум қилишича, “Когалымавиа” авиакомпаниясига қарашли Airbus A321 самолёти Шарм-эш-Шейх — Санкт-Петербург йўналишида 9268 рейсни амалга ошираётган эди ва Мисрдан Москва вақти билан 6.51 да парвоз қилгандан 23 дақиқа ўтиб радар экранларидан ғойиб бўлган. Самолётда 217 нафар йўловчи ва 7 нафар экипаж аъзолари бўлган.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А